

Институтда Ленин кунларига тайёргарлик

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг коллектив ва факультетларида улуғ доҳиса В. И. Ленин туғилган кунга 90 йил тўлиши муносабати билан тайёргарлик ишларини кучайтириб юборди. Институт факультетлари ва курсларда улуғ доҳининг революцион фаолияти ва ижтимоий фаолияти, ленинизм таълимотида донир ленин ва суҳбатлар ўтказилмоқда. В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган махсус илмий-назарий конференцияга ҳам катта тайёргарлик қилинди.

Докладчилар асосан В. И. Лениннинг империализм шароитида марксизмни ривожлантирганлиги, марксизм таълимотида ҳозирги замон прелатариат ҳаракати татбиқ этганилиги ва Ленин голларининг ҳаммиса голли ва барҳат эканлигини илмий далиллар билан шарҳлаб бермоқдалар.

Конференцияда профессор Н. Иппов «В. И. Ленин асарларида психология фанининг баъзи масалалари», РСФСР педагогика фанлари академиясининг корреспондент аъзоси, педагогика фанлари доктори С. Ражабов «Ленин ёшларни коммунист руҳда тарбиялаш ҳақида», доцент А. Қирғизбаев «Ленин ва хорижий шарқ», доцент Р. Малани «Хозирги замон физикаси тараққиётида Ленин голларининг роли» деган темада доклад қилдилар. Шунингдек педагоглардан В. Бағдасаров, С. Сайдалиев, Н. Қотляр, Н. Раҳимов, Э. Юсупов ўртоқлар ҳам докладга тайёрланганлар.

Институт кафедраларида ҳам Лениннинг илмий меросини чуқур ўрганиш юзасидан турли тадқиқотлар олиб борилаётган. Сирдан ўқувчи студентлар учун Ленин ҳаёти ва фаолиятига бағишланган цикли лекциялар уюштирилди.

Профессор ва ўқитувчилар Ингибўл, Чирчиқ, Сирдарё, Охангарон, Гулистон ва бошқа шаҳар ҳамда районлардаги консултация пунктларига бориб, Ленин ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказиб келдилар.

Институт кутубхонасида Ленин кунларига тайёргарлик қизғин бормоқда. Ленин ҳаёти ва фаолиятига бағишланган катта выставка тайёрланмоқда.

К. ОРИФХУЖАЕВ,
Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтининг КПСС тарихи кабинетининг мудири.

Сув хўжалиги қурилиши юзасидан кенгаш

23 марта Тошкентда Округ офицерлар уйда сув хўжалиги қурилиш юзасидан кенгаш очилди. Кенгаши СССР Қишлоқ хўжалиги министри, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таъкиди. Кенгашда мамлакатнинг тангали олимлари, сув хўжалиги мутахассислари, министрлар, қурилмалар, илмий тадқиқот ва лойиҳа институтларининг раҳбарлари, ишлаб чиқарish новаторлари қатнашмоқдалар.

Кенгаш президиумида СССР қишлоқ хўжалиги министри В. В. Макеевич, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Ф. Е. Титов, Г. А. Габриельянц, Ленин номидаги Бутуниттифок қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги А. Н. Асқочевский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Н. Ж. Худойбердиев, СССР Министрлар Советининг тарихий референти Н. Т. Ногаев, СССР Қишлоқ хўжалик министрининг сув хўжалиги бош инспекциясининг бошлиги К. К. Шубладзе, РСФСР қишлоқ хўжалик министрининг Главландозининг бошлиги М. Н. Попов, Украина ССР Министрлар Совети хузуридаги Главландоз бошлиги Е. Е. Алексеевский, Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министри В. А. Билбас, Грузия ССР сув хўжалиги министри Г. С. Кобуладзе, Озарбайжон ССР сув хўжалиги министри Т. И. Абдулрагимов, Арманистон ССР сув хўжалиги министри Г. А. Баграмян, Тожикистон ССР сув хўжалиги министри Т. М. Мухамедов, Қирғизистон ССР сув хўжалиги министри Б. М. Мамбетов, Туркменистон ССР сув хўжалиги министри П. А. Березновлар ҳам доклад қилдилар.

Кенгаш ўзинини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

Мой-ёғ саноатида техника тараққиёти

22 ва 23 марта Тошкентда Ўзбекистон пахта-ёғ саноати ходимларининг илмий-техника конференцияси бўлиб ўтди. Унда мой-ёғ саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни механизациялаш ҳамда автоматлаштириш соҳасидаги янгиликлар тўғрисида рапоритди. Бу конференция озиқ-овдат ходимлари илмий техника жамаиати, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети давлат илмий техника комитети, Бутуниттифок ёғ илмий тадқиқот институтининг республика фанлар академияси томонидан таъкирланган эди.

Конференция шунда корхоналарнинг бош инженерлари, ишлаб чиқариш новаторлари, олимлар, Ўрта Осиё республикалари, Қозғистон, Озарбайжон саноатининг ўхшаш тармоқлари вакиллари иштирок қилдилар. Ишлабчиарин технологиясини такомиллаштириш ва янги техникани жорий қилишнинг турли масалалари юзасидан 14 доклад тингланди.

Конференция бир қанча тавсиялар ишлаб чиқди. Бу тавсияларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон озиқ-овдат саноатининг етакчи тармоғи бўлган мой-ёғ саноатини ривожлантириш етти йиллик планнинг муваффақиятли равишда бажаришга ёрдам қилди. (ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»

2-БЕТ, 1960 ЙИЛ, 25 МАРТ.

Ўнutilмас хотиралар

Инсониятнинг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленинни кўрсаним ва у билан сўзлашганимни худди кеча бўлиб ўтгандек ҳис қиламан.

1917 йили 3(16) апрель кеч соат 9—10 ларда мен хизмат қилиб турган дружина Финляндия (Белостров) вокзали томон йўл олди. Петрограддаги бу вокзал ва вокзал олдидан майдон, кўчалар қизил байроқ кўтарган минг-минглаб ишчилар, солдатлар, матрослар билан лиқ тўлган. Поезднинг узондан келатган овози, кутиб турган халқнинг қувончига қувонч қўшади. Ишчилар билан ўз йўлбошчиларини кўришга ошқарди. Кўп вақт ўтмай поезд ҳам вокзалга пишиқиб кириб келди.

Владимир Ильич Ленин вагондан қиб, кутиб турган халққа қариб қўлини чўзиб, вагон зиналаридан аста-секин туша бошлади. Шу вақт солдатлардан бири «Уни кўтариб олинглар!» деб қичқирди, биз уни дарҳол кўтариб олдик. Шунда доҳий Ленин бизнинг қўлимизда туриб «Хай ўртоқлар, астароқ, нима қилаёсизлар...» деса ҳам биз уни кўтариб вокзалнинг энг катта залига олиб кирдик. Ленин атрофини мизда турган солдат ва ишчилар билан қўл бериб кўришди.

Шундай ҳушчақчақ, секинлик, унутилмас воқеа бўлаётган бир пайтда, меншевиклардан бири табрик сўзи сўзлай бошлади. Владимир Ильич унинг сўзига эътибор бермади ва броневика қиб, тарихий нутқ сўзлади. У ўз сўзини «Яшасин социалистик революция!» деган сўзлар билан тамомлади.

Эртаси — 4 (17) апрелда бизнинг соқчи дружинамиз партия раҳбар ходимларининг мажлиси бўлибдиан Таврида саройини қўриқлаш учун юборилди. Мен шу мажлислар залининг ичкариги эшигида соқчи бўлиб турдим. Владимир Ильич минбарда пайдо бўлганда партиясининг раҳбар ходимлари ўринларидан туриб, уни самийли кутиб олдилар. Бу ерда у катта нутқ сўзлай бошлади. Владимир Ильич ўз нутқида ўша пайтдаги энг муҳим масалаларни анализ қилиб берди.

Апрель кўнларининг биринчи Смольнийдаги соқчилар дружинасининг қоровулхонасида 5 соқчи ўтириб, бир-биримиз билан социалистик революциянинг абабат энгиб чиқиши ҳақида, Владимир Ильичнинг Петроградда келиши ҳамда

унинг партия раҳбар ходимлари мажлисида сўзлаган нутқи ҳақида гаплашишга шунчалик бериб кетибмизки, ҳатто Владимир Ильичнинг қоровулхонага қандай кириб келганини ҳам сезмай қолдик.

— Салом ўртоқлар! — деди Владимир Ильич. Тўсатдан эшитилган бу овозга биз дарҳол сакраб ўрнимиздан турдик-да эшик томонга қардик.

— Владимир Ильич! — деб қичқирдик бирдан.

У бизнинг олдимизга яқинлашиб келди-да ҳаммамиз билан қўл бериб кўришди. Владимир Ильичнинг бир одати бор эди: у ишчи, солдат ва матрослар билан кўришга албатта у кишининг «Оиланеизини аҳоли қалай?», «Қаерлиси?», «Қайси заводда ишлайсиз?», «Қайси сўрар эди. Ана шундай саволни бизларга ҳам берди. Мен унинг исми ва фамилиясини билиб олгач: «Виктор Георгиевич, — деди Владимир Ильич, — сиз олдин қаерда ишлардингиз? Қандай қилиб бу дружинага кирдингиз?» деб сўради. Мен унинг саволларига жавоб бердим. Сўнгера Владимир Ильич ҳаммамизга бирма-бир қаради-да: кейин «Ўртоқлар, биз албатта энгизмиз, бизнинг ишимиз ҳақ» деб қўл беришиб қиб кетдик.

В. И. Ленин буюк ва оддий киши эди. Ленин номи ва унинг иши бизни янги галабалар сари руҳлантириб келмоқда.

В. Г. АНТОНОВ.
Октябрь революцияси номи Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводиоининг собик ишчиси, шахсий пенсионер, 1917 йилдан КПСС аъзоси.

Тўқимачилар ҳузурида

Тошкент тўқимачилик комбинати маданият саройида, фабрикаларнинг қизил бурчакларида, цехларда улуғ доҳи В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган лекциялар, суҳбатлар ўтказилмоқда.

Тўқимачилар, «В. И. Ленин—Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва совет давлатининг асосчиси», «В. И. Ленин оддий инсон», «Ленинча коммунизм қуриш плани», «В. И. Ленин ва адабиёт» темаларида «қизиларик лекцияларини эшитиблар. Яқинда комбинат 1-тўқув фабрикасининг қизил бурчаги ишчилар билан жуда гавжум бўлди. Бу ерда СССР Фанлар Академиясининг академиги ўртоқ Миңч «В. И. Ленин ва давлат» деган темада мароқли суҳбат ўтказди. Академик суҳбати тўқимачиларда чуқур таассурот қолдирди.

Р. ИБРОХИМОВ,
М. АБДУРАИМОВ.

Очерк ҳақида мунозара

22 марта Ҳамид Олимжон номидаги адабиётчилар уйда бўлиб ўтган катта ижодий мунозара «Очерк ва етти йиллик қаҳрамонлар» деган темага бағишланган эди.

Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениясининг секретари Асқад Мухтор мунозарани очатуриб, китобхоналарнинг очеркка бўлган қизқишларини тобора ўсиб бораётганини таъкидлар экан, адабиётнинг ана шу оператив жанрини тараққий эттириш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Сўнгера музокарада биринчи бўлиб сўзга чиққан филология фанлари кандидати М. Қўшонов, Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент шаҳар бўлимининг секретари Г. Димов Ўзбекистон ёзувчилари ва журналистларининг очерк асарларини муфассал таҳлил қилиб бердилар.

Мунозарада Н. Сафаров, Т. Есенина, Х. Нуъмонов, Т. Назиров, Мирмухсин, Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий, И. Шамшаров, О. Ёқубов ўртоқлар ўзларининг ижодий тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениясининг раиси И. Раҳимов мунозарача якун ясади. (ЎзТАГ).

Поездларда микроқлим

Пассажир поезди Қизилқум саҳраларидан ўтиб бормоқда. Ташқарида жазирама иссиқ, вагонларнинг ичи эса салқингина. Поездлардаги «иқлимни» провониклар вагонларда ўрнатилган аппаратлар ёрдами билан бир меёрда сақлашлари мумкин. Шу билан бирга аппаратлар ҳавони чандан ҳам тозалаб туради.

Калинин вагонсозлик заводида ишланган ана шундай пассажир вагонлари Тошкент темир йўлида синиб кўрилади. Янги поезд темир йўлчилар томонидан юксак баҳо олди.

Поездда микроқлим вужудга келтирадиган аппаратлар ҳар бир вагонда эмас, балки шу билан бирга қишда ҳам фойдаландир. Вагонлар электр батареялари ёрдамида иштилди. Мамлакатда биринчи микроқлим поездлар ёзи графикка ўтилгандан кейин Ўзбекистоннинг темир йўл магистралларида қатнай бошлайди. (ЎзТАГ).

Қвартал плани бажарилди

Февраль ойна топиригининг 183 процент қилиб бажарган Тошкент паровоз депои коллектив и эришлаган ютуқларини янада мустаҳкамлаш мақсадида мусобақани авж олдириб юборди. Натикда қвартал плани ҳам муваффақият олди — 19 марта 107 процент бажарилди, қишқича 15 та паровоз ремонтдан чиқарилди. Коллектив паровозларнинг ремонтда турши вақтининг нормидагига қараганда 3 соатга камайтирди.

Бундай ютуқларнинг қўлга киритилишига ойлик топириқларининг 170 — 250 процентга етказиб бажаратган ўртоқ Останенко бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари, илгор машинистлардан Н. Редин, И. Бескулов, тонар ва слесарлардан А. Ахмедов, А. Тошқулов, В. Ткаченко ва бошқалар айниқса катта ҳисса қўшдилар.

Депо коллективни улуғ Ленин туғилган куннинг 90 йиллигини муносиб нишонлаш учун бир гайратига ўн гайрат қўлиб меҳнат қилди. Паровозчилар март ойининг қолган кунларидан ҳам унутили фойдаланди, турт ойлук топиригини уч ойда тўла адо этиш мажбуриятини олдилар.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

Кабелчилар вахтада

«Ташкенткабель» заводининг коллектив В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги шарофига меҳнат вахтасида туриб, муваффақиятли ишламоқда.

— Шу кунларда, — дейди заводнинг бош инженери К. И. Костинов, — завод маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1965 йил даражасига эришди. Масалан, мамлакатнинг коммунистик саноати учун ҳозирги вақтда ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўп шланг кабеллари ишлаб чиқариламоқда.

Прокат цехи мусобақида олдинда бормоқда. Бу ерда металлари ишлаб чиқариш аниқ кўлайди. Заводда устига алюминий қопланган қўшалоқ шнур қўллаб ишлаб чиқарила бошланди. Эндиликда бир километр кабел ишлаб чиқариш учун атиги 15 килограмм энгил материал сарфланмоқда. (ЎзТАГ).



Ююри ва паст кучланишли аппаратларини монтаж қилиш учун электр конструкциялар тайёрлаб бераётган пойтахтимиздаги электр механика заводи ишчилари мураккаб тош тақсимлаш ишлаб чиқаришини ҳам тўла ўзлаштириб олдилар. Корхона меҳнатсеварлари Олмалиқдаги Олтинтопан комбинати учун 18 камерали КСО-2У типидagi йилма тақсимлагич тайёрлаб берди. Суратда: бригада бошлиғи Г. Шварц ва электр слесарь К. Раҳимов ўртоқлар тақсимлагичнинг сўнгги деталини ўрнатмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Етти йиллик илғорлари

ҲАСАН АКАНИНГ ҚУВОНЧИ

Ҳасан ака шогирди Раисанинги ишини бир оз кузатиб турибди, хурсанд бўлди шекилли мийиғида жиймайиб, бошқа бир шогирдининг олдиға ўтди. Тамара ҳам дугонаси Раиса каби пармалаш станогини бошқармоқда. Мастер кизининг ҳаяжонланаётганини сезиб, далда берди:

— Кўз қўроқ, қўл ботир дейдилар, қизим. Яхши уста бўлиб етилиш учун довурак бўлиш керак. Қўроқларини мен ҳам, станок ҳам куш қўрмайман.

Шундан сўнг Тамара станокни бирмунча дадилроқ бошқаришга кирилиди. Сўнг тайёрлаган деталарини синчиклаб кўздан кечирди-да «яхши чиққанмикан, устозим нима дерин», дегандек кўз остидан Ҳасан акага раъм солди.

Ҳасан ака тайёр деталнинг уёқ-бугини кўриб, чехраси еришди:

— Бадали, қизим, бадали. Ҳамма вақт ҳам шундай ишлагин.

Станок яна гуриллай бошлади. Меҳрибон мастернинг тажрибали қўзлари резецга тикланган. Аҳён-аҳёнда маслаҳат бериб қўйди, баъзан эса станок олдида ўзи туриб кўрсатиб берди:

— Суппортни тўғрила, пармани мана бундай йўналтир. Кейин бироз тинчланади, ўз машинасининг ёнига келади. Ҳасан аканиннг ҳаракатлари

М. БАҲОДИРОВ.
Янгиўша шаҳридаги «Нормаль» заводи.

Чирчиқ шаҳрида

ЯНА БИР ЯНГИ МАШИНА

Қишлоқ хўжалик машинасозлик заводининг коллектив пайтахторларга муваммал машиналар етказиб бераётир. Сўнгги вақтларда корхонада култиватор, ўқариқ олтичи, ўғитловчи машиналар янада такомиллаштирилди. Кўп узел ва деталлар унификация қилиниши туфайли култиватор яна 60,7 килограмм, ўқариқ оладиган машина 37 килограмм енгиланди.

Яқинда завода яна бир янги машина — ўғит майдалагич ўзлаштирилди. Тажриба учун тайёрланган дастлабки икки машина Янгиўшада давлат тажриба станциясида синовдан ўтказилди. Бу машиналар ёрдамида қолхаз ва совхозларда қотиб қолган меҳнат ўғитларини майдалаш кўзга тутилади.

Завод янги машинани оммавий серияда ишлаб чиқаришга киришмоқда.

25 КУНДА 5 ҚАВАТЛИ УЙ

Шаҳарда қурилиш ишлари тобора кенгайиб бораётир. Бинокорлар уй-жойларни тез қуриш учун ҳамма чораларни кўраётирлар. 160-қурилиш трестига қарашли 225-бошқарма бинокорларининг муваффақиятлари ва иш тажрибаси айниқса диққатга сазовордир. 4-участкада (пропарк ўртоқ И. Полизов) иш сменалик иш таъкил қилинган. Бу ерда асосан иккита комплекс бригада ишлаётир.

Бригада аъзолари меҳнатни яхши таъкил қилиб ва ўзаро муносабатлашиб, 5 қаватли уй қурилишида гинт терин ишларини 25 кунда тамомладилар. Ҳар бир қаватга гинт терин атиги 5 кун давом этди. Бундай рекорд Чирчиқ шаҳри мисолида биринчи марта қўлга киритилди.

Шаҳар партия комитети ўзининг бюро мажлисида бу масалани кўриб чиқди. 4-участка бинокорларининг тажрибасини кенг ёйиш, ҳамма участкаларда икки сменалик иш таъкил этилиши қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

МУНОСИБ СОВҒА

«Ўзбекхимваз» заводи кўп йиллардан бери шаҳардаги 2-ўрта мактабга оталик қилиб келмоқда. Завод коллективи мактаб устaxonасини ускуналаш учун 500 минг сўмлик станок, асбоблар, мосламалар, электр моторлар ажратиб берган эди.

Яқинда завод коллектив мактаб ўқувчиларига яна бир катта совға қилди — мактабга янги киноустанова сотиб олиб берилди. Бу установка монтаж қилиниб, ўқувчиларга дастлабки кинофильмлар намойиш қилина бошланди.

И. САТТОРОВ.



Вера Свердловна бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари билан Тошкент каноп йигирув-тўкув фабрикасидагилар фахрланадилар. Бу ахил бригада тўғуз деҳиға иш етказиб беради. Ешлар ахиллик билан ишлаб, пландаги янги килограмм ўрнига 1800 килограммдан аъло сифатли ип ўраб бераётирлар. Суратда: (чапдан) бригада аъзоларидан Елена Мурунова, Любовь Мулина, Вера Свердловна ва Вера Кузьмина ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

Автотранспорт

„ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ. 25-МАРТ. 1960 ЙИЛ

